Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 29 апрель, шанба №52 (21.815.) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Мамлакатингизда умумхалқ референдуми муваффақиятли ўтгани ҳамда Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларингиз муддати узайтирилгани муносабати билан самимий табригимни қабул қилгайсиз.

Референдум натижалари Ўзбекистон халқи, Сиз ва сафдошларингиз танлаган бошқа давлатлар билан кенг ҳамкорлик учун очиқ янги, демократик жамият қуриш йўлини қўллаб-қувватлаётганининг далилидир.

Украина билан Ўзбекистон ўртасида асос солинган дўстлик муносабатлари янада ривож топишига ва халқларимизнинг манфаатларига хизмат қилишига аминман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб, масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси халқига бахт-саодат ва равнақ тилайман.

Самимий ҳурмат билан

Леонид КУЧМА,
Украина Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб Президент, Сизни Америка-Ўзбекистон савдо палатаси номидан миллий референдум муваффақиятли ўтгани ва Сизнинг ваколатларингиз 2000 йилгача узайтирилгани билан табриклайман. Ўзбекистон Республикаси халқининг бу қарори Сизнинг тажрибангиз ва доно раҳбарлигингиздан далолат беради.

Сиз мураккаб ўтиш даврида мамлакатни иқтисодий ва сиёсий барқарорликка олиб бориш каби қийин вазифани муваффақиятли уддаламоқдасиз. Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз натижасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий юксалиш ва фаровонлик сари одим ташламоқда. Бу чиндан ҳам тарихий ютуқдир.

Қўшма Штатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш орқали Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш биз учун катта шарафдир.

Ташкилотимизни қўллаб-қувватлаётганингиз учун Сизга ва ҳукуматингизга Америка-Ўзбекистон савдо палатаси номидан миннатдорлик билдираман. Қўшма Штатларга яна ташриф буюрганингизда Сиз жаноби олийларига миннатдорлигимизни изҳор этишдан хурсанд бўламиз. Сизнинг ташрифингизни сабрсизлик билан кутамиз.

Самимий ҳурмат билан

Николас М. НИКАЗМЕРАД,
Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг президенти.

Жиззах туманининг Ҳ. Носиров жамоа хўжалигида Америка қитъасидан келтирилган, ўзидан ширинлик чиқарадиган стевия ўсимлиги янги шароитда ўстирилмоқда. Тошкентнинг озиқ-овқат тайёрлайдиган корхоналарига яқин орада 500 килограммдан зиёд ана шундай ўсимликни юбориш режалаштирилган. Ундан спиртсиз ичимликлар, яъни мева шарбатлари ва мурабболар тайёрлашда фойдаланилади.

СУРАТДА: иссиқхона бошлиғи (чапдан) Акром Хидиров, жамоа хўжалиги раиси Холмат Тожибоев ва ишчи Умида Матқурбоновалар мазкур ўсимлик ривожини текшираётган пайт.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ФАРҒОНА — ЧУВАШИСТОН

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ҳамдўстлик мамлакатлари билан ўзаро алоқалар мустаҳкамланиб боряпти. Яқинда Чувашистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси Э. Аблякимов бошлиқ ҳукумат делегацияси Фарғонада бўлди. Чувашистон Россия Федерациясининг бой ва гўзал диёрларидан бири. Бу ерда машинасозлик саноати ривожланган. Катта ўрмон бойлигига эга. Чувашистон Республикаси билан Фарғона вилояти ҳокимлиги ўртасида 1995—1997 йилларга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Унга мувофиқ ҳар иккала юрт корхоналари, ташкилотлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилади. Қўшма корхоналар очилади. Хом ашё, саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли товарлари етказиб бериш бўйича хўжалик алоқалари яхшиланади.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАЪЗИМИМИЗ СИЗЛАРГА, ҒАЛАБА СОҲИБЛАРИ!

1945 йилнинг 9 майи — йигирманчи асрнинг унутилмас ва муҳим санаси бўлиб, тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан мангу муҳрланган. Мана 50 йилдирки, бутун эрксевар инсоният уни эзгулик ва озодлик тантана қилган, халқлар фашизм асорати хавфидан қутилган кун сифатида нишонлаб келади.

Тароватли, баҳорнинг ушбу файзиёб кунларида биз жанггоҳларда миллионлаб ҳалок бўлганлар қатори шаҳид кетган ҳамюртларимизнинг порлоқ хотираси олдида бош эгамиз, фашист газандаларини янчиб, Ғалаба билан қайтган музаффар ота-боболаримизнинг қаҳрамонлиги ва матонатига таъзим қиламиз. Бир нарсага аминмиз: улар гарчи Ватандан узоқда жанг қилган бўлсалар-да, дилларидаги жонажон Ўзбекистон, Туронзамин соғинчи, буюк аждодларимиз руҳи уларга ҳамиша мададкор бўлди.

Фронт орқасидаги кексалар, аёллар ва норасидаларнинг меҳнати ҳам ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Уруш бошлангач, Ўзбекистон жуда қисқа муддатларда фашизмга қарши урушнинг чинакам аслаҳахонасига айланди. Саховатли, қалби эзгуликка лиммолим ўзбек халқи душман вақтинча босиб олган ўлкалардан кўчирилган минг-минглаб оилаларни, етим-есирларни ўзининг иссиқ бағрига олди. Борини улар билан баҳам кўрди. Миннатдор авлодлар буни асло унутмаяжак.

Ҳамду санолар бўлсинки, ўзбекистонлик мард ўғлонлар урушдан қайтгач, мамлакат иқтисодиётини тиклаш йўлида фидойилик намуналарини кўрсатдилар. Ҳозир эса, улар, она-Ватанимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, унинг халқаро обру-эътиборини ошириш, ёш авлодни энг яхши миллий анъаналаримиз руҳида тарбиялаш ишига узларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Бундай дил сўзлари кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент вилояти ва шаҳар кенгашлари 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва бир гуруҳ фронт орти меҳнати фахрийлари шарафига ўтказган қабул маросимида қайта-қайта янгради. Партиямиз Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонларни самимий қутлаб, уларга, сиҳат-саломатлик, узоқ-умр, фаровон ҳаёт, барча олижаноб ишларида омад тилади. Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси Кенгаши раиси Бектош Раҳимов уруш қатнашчиларига қўрсатилаётган кундалик ғамхўрлик, кўплаб имтиёзлар берилаётгани учун мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов ва республика ҳукуматига самимий ташаккур билдирди.

Учрашувда урушда ҳалок бўлганлар хотирасини эъзозлаш, жанггоҳлардан қайтмаганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликларни асраб-авайлаб, уларни зиёратгоҳларга айлантириш, бугунги қутлуғ кунга етиб келолмаганларни эслаш ҳамда ҳозирда барҳаёт Ғалаба ижодкорларининг иззат икромини жойига қўйиш, жамиятимизнинг юксак инсоний, маънавий бурчи эканлиги бир неча бор таъкидлаб ўтилди.

Зангиота тумани маданият уйининг «Ҳосил» мақомчилар дастаси санъаткорлари узларининг дилрабо куй ва қўшиқлари, оромижон рақслари билан меҳмонларга хушкайфият бағишладилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

28 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков Польша ташқи иқтисодий ҳамкорлик вазири Яцек Бухач билан учрашди.

И. Жўрабеков меҳмонга республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳақида сўзлаб берди.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари республика Президенти Ислом Каримовнинг Польшага ташрифи халқларимизни янада яқинлаштиргани, давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтарганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ, енгил саноат, маҳсулотларни қайта ишлаш ва бошқа кўпгина соҳаларда манфаатли ҳамкорлик қилиш истиқболлари хусусида сўз борди. Шунингдек, ҳар икки давлатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар борасида ўзаро тажриба алмашиш тўғрисида ҳам фикрлашиб олинди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов иштирок этди.

(ЎзА).

МАРДОНА ҲАЁТ — АБАДИЙДИР

Кеча Тошкентдаги Киночилар уйида маърифатпарвар адиб ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 120 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев кириш сўзи билан очди. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва ижоди ҳақида таниқли олим, филология фанлари доктори Наим Каримов маъруза қилди. Адибнинг набираси, Самду профессори, филология фанлари доктори Надим Беҳбудий маърифат намояндасига кўрсатилган эҳтиром учун миннатдорчилик билдирди.

Кеча сўнгида «Маҳмудхўжа Беҳбудий» ҳужжатли фильми ва таниқли санъаткорлар ижросида катта концерт намойиш этилди.

Жадидчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири, ўзбек театрининг асосчиси, маърифатпарвар адиб ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 120 йиллиги тантаналари мамлакатимизда кенг нишонланяпти. Мазкур санага бағишланган илк тадбир кеча Ўзбекистон Фанлар академиясида республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда ўтказилди. Илмий конференцияни Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Иброҳим Искандаров очди. Порлоқ келажак ва маърифат учун жон фидо қилган адиб ҳақида сўз юритганлар ўз халқининг бахт-саодати, фаровонлиги, миллий мустақиллиги учун ҳаётини тиккан фидойи арбобнинг салмоқли, адабий ва ижтимоий фаолияти юксак эътиборга сазовор эканини таъкидлашди.

Наим КАРИМОВ, филология фанлари доктори:

— Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида бундай танбеҳ бор: «Кимки умрини мардлар хизмати учун сарфласа, умри ўтса ҳамки абадий умр эгаси бўлади. Ўзингни шундайлардан узоқ тутма, бошинг кетса ҳам шу муддаони унутма. Умр — бевафодир, мардона ҳаёт — абадийдир». Бу танбеҳдаги «мард» сўзи форсча бўлиб, инсон маъносини англатади. Кимки инсон номига муносиб иш тутса, у мард ҳисобланади. Навоий инсониятнинг бахту саодати учун ўз ҳаётини бахшида этувчи кишиларнинг кўпроқ бўлишини орзу қилган эди. Зеро, жамият тараққиёти, инсоният тарихининг нурли саҳифалари фақат шундай кишиларга боғлиқдир. Бундан 120 йил илгари Самарқандда туғилган ва атиги 39 йил яшаган Маҳмудхўжа Беҳбудий шундай сиймолардан бири эди. У жадид маърифатпарварлари ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири сифатида ўзбек халқи тарихига кирди.

Ғани АБДУРАҲМОНОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси:

— Маҳмудхўжа Беҳбудий жадидчиликка асос солиш, маърифатпарварлик ғояларини илгари суриш билан бирга янги адабий тилни яратишга катта ҳисса қўшди. Унинг ижодий фаолияти ғоят серқирра эди. У газета ва журналлар, рисола ва мақолалар, дарслик ва қўлланмалар чоп эттирди. Эндиликда умуминсоний маданиятнинг толмас тарғиботчиси бўлган Беҳбудий асарларини ўрганиш, унинг номини абадийлаштириш ҳақида ўйлашимиз керак. Унинг қабрини топиш, қатл этилиш сабаблари атрофлича ўрганилса марҳум руҳи шод бўлур эди.

Шуҳрат РИЗАЕВ, ТошДУ катта ўқитувчиси:

— Миллий театр асосчиси Беҳбудий 1911 йилда ёзган «Падаркуш» драмасини режиссёр ёрдамчиси сифатида саҳналаштиришда ўзи ҳам қатнашган эди. Илм ва беилмлик, тарбия ва тарбиясизлик ҳақида сўз юритилган, соф маърифий драма сифатида баҳоланган мазкур асар биринчи ўзбек саҳна асари ҳисобланарди. Зеро, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қисқа умри илм-маърифат таргиботчиси сифатида баҳоланиши ҳам бежиз эмас...

Дарвоқе, табаррук зотнинг қутлуғ тантаналари давом этаётир.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ ЭЪТИБОРДА

28 апрель куни Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган хорижий элчихона раҳбарлари ҳамда «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси миссияси Орол ва Оролбўйи ҳудуди билан танишиш мақсадида Нукусга келди.

Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Уббиниёз Аширбеков қабул қилди. Суҳбат чоғида Орол денгизининг чекиниши оқибатида юзага келган экологик вазият, унинг оқибатлари ва бу муаммони ҳал этиш йўлида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Муаммоларни ечишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг жонбозлиги эътироф этилди.

«ЭКОСАН» халқаро жамғармаси Президенти Юсуф Шодиметов жамғарманинг Оролбўйи ҳудудида экологик вазиятни соғломлаштириш учун олиб бораётган амалий ишлари, келгуси режалари, шу йил сентябрда Нукус шаҳрида Орол муаммоларига бағишлаб ўтказиладиган халқаро анжуман тўғрисида гапирди.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэньгуан, Швейцария конфедерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Пауль Випфли Орол — нафақат минтақа муаммоси, балки дунё дардига айланганини қайд этиб, экологик офатни бартараф этиш учун жаҳон ҳамжамияти амалий ёрдам кўрсатиш лозимлигини таъкидладилар.

(ЎзА).

Қўнғироқ

СУВ КЕРАКМИ? ТУН ЯРМИДА ТУРИНГ!

Тошкенти азимнинг Акмал Икромов туманидаги Қори ёғди маҳалласида яшаймиз. Пойтахтимизнинг илтиқлол шарофати билан гуллаб-яшнаётганидан чексиз қувонамиз. Лекин, биз яшайдиган Садоқат кўчасидаги 30 хонадон (I-уйдан 30-гача) бу завқдан узоқда. Нега дейсизми? Гап шундаки, ана шу уйларга водопровод қувурлари орқали сув фақат ярим кечаси келади. Ҳа, шу оддий сув. Усиз эса ҳаётни тасаввур этиш мушкул эканлигини тушунтиришга ҳожат бўлмаса керак. Маҳалламизга янги тушган келинларнинг ноласини эшитсангиз. Бечоралар кир-чирларини бошқа жойда яшаётган қариндошларникига бориб ювиб келишаяпти.

Маҳалла қўмитамиз раиси Раҳимжон ака шу йил қишда елиб-югуриб қишни Шароф Рашидов маҳалласига сув таъминотини улашга эришдилар. Бироз аҳвол яхшиланди. Лекин, ҳозир яна эски ҳаммом, эски тос.

Тунов куни маҳалламиз йигитлари сув тақсимлайдиган мосламани узбошимчалик билан бузишга ҳаракат қилишди. Оқсоқоллар «ҳай-ҳаайлашиб» уларни йўлдан қайтаришди, жанжалнинг олди олинди. Лекин бу билан аҳвол узгариб қолгани йўқ. Биз ҳудудимиздан сайланган Олий Мажлис ва шаҳар кенгаши депутатларига мурожаат қилмоқчимиз. Тўғри, эндиликда депутатлар бу хил майда-чуйда юмушлар билан шуғулланишмайди. Лекин мутасадди кишиларни тартибга чақириш депутатларимизнинг ваколатига кирса керак.

Маҳалла аҳли номидан:
Ш. ҒОЗИЕВ.

„ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА жавоб берадилар

«СОЛИҚЧИ СИНЧКОВ БЎЛМАСА...»

Газетанинг шу йил 28 март сонида юқоридаги сарлавҳали танқидий мақола чоп этилиб, унда солиқчилар синчков бўлмаган, ўз вазифасига совуққонлик билан қараган жойларда «уддабурон» ишбилармонлар даромадларининг бир қисмини яшириб қолиши мумкинлиги Фарғона вилояти мисолида кўрсатилган эди. Мақола юзасидан вилоят ҳокими М. ИСЛОМОВ имзоси билан жавоб олинди. Унда қуйидагилар маълум қилинади:

Ушбу мақолада келтирилган фактлар вилоят давлат солиқ бошқармасининг ҳайъат кенгашида муҳокама қилиниб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Мақолада келтирилган барча фактлар вилоят прокуратураси ва солиқ идоралари билан ҳамкорликда ўтказилган текширишларда аниқланган ва солиқ тўлашда қонунбузарликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда маъмурий чоралар қўрилган.

Жумладан, Фарғона шаҳридаги «Ҳужа Аҳмад Яссавий» фирмаси дукон мудири И. Маматхоновга 500 сум, Марғилон шаҳридаги «Осиё» дукони мудири Н. Мирзаевга 600 сум, «Ҳаё» дукони мудири З. Ғофуровга 500 сум, Қўқон шаҳридаги «Лутф» кичик корхонасига қарашли «Гулнора» ва «Саодат гули» дуконлари мудирлари М. Астанақулов ва М. Қодировларнинг ҳар бирига 600 сумдан жарима солиниб, ундириб олинган.

Лекин шу билан бирга мақола муаллифи томонидан айрим ноаниқликларга йўл қўйилган. Масалан, мақолада Фарғона шаҳридаги «Ҳужа Аҳмад Яссавий» фирмаси дуконида 841 минг сумлик мол қайд қилиш дафтарига киритилмаган деб кўрсатилган. Аслида эса солиқ инспектори тузган далолатномада 841 сумлик мол қайд қилиш дафтарига киритилмаганлиги аниқланган.

Шунингдек, Қўқон шаҳридаги «Саодат», «Ислом» дуконларида давлат хазинасига туланадиган солиқларни яшириб келганлар деб нотўғри кўрсатилган.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ва унинг шаҳар, туман инспекциялари томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилиниши устидан доимий равишда назорат ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Ўтган 1994 йилда 5291 та хўжалик субъектларида бирламчи ҳужжатларга асосан текширувлар ўтказилиб, 2331 та корхонада солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатлари аниқланган ва бюджетга қўшимча равишда 15 млн. сўмдан ортиқ солиқ тўловлари ҳисобланиб, 17,5 млн. сум молиявий жаримаси билан ундириб олинган. Солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўйган 2386 нафар мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўрилиб 822,3 минг сум жарима ундириб олинди, 196 та текширув материаллари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига берилиб, шундан 100 таси бўйича жиноий иш қўзғатилиб, қўриб чиқиш учун судларга юборилган.

Шунингдек, Қўқон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтган йили 207 та савдо, хизмат кўрсатиш корхоналари, ташкилотлари ва шохобчаларида текшириш ўтказилиб, бюджетга қўшимча равишда 111,2 млн. сўм маблағ тушириллган. Шу каби назорат ишлари Марғилон шаҳри ҳамда бошқа барча шаҳар ва туманларда ҳам олиб борилмоқда.

Мақолада кўрсатилган Қува тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг ўринбосари Б. Маматов ўз хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан қарагани учун эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Вилоят ҳокимлиги бундан кейин ҳам давлат солиқ идоралари ходимлари томонидан солиқ қонунчилигини таъминлаш юзасидан олиб бораётган ишларни доимий назоратга олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан

ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ ВА ҚОНУН

Ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги вазифа ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи янги кодексларни, қонунларни тайёрлаб, уларни пухталик билан қабул қилишдир.

Ана шундай муҳим ҳужжатлардан бири бу — республикамизнинг фуқаролик Кодекси. У ҳозирги бозор иқтисоди муносабатларини ҳуқуқий бошқариб боришда тадбиқ этиладиган фуқароларнинг кундалик турмуши ва фаолияти билан боғлиқ мулкий муносабатларни батафсил тартибга солиб турувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик Кодекси 1963 йилда қабул қилинган эди. У то ҳозирги кунга қадар ўзгариш ва қўшимчалар билан амалиётда қўлланиб келинмоқда. Лекин у ижтимоий муносабатларни тўлиқ тартибга солиб туришда жиддий камчиликларга эга бўлгани учун кундан-кунга ўзгариб бораётган ижтимоий тузумимизнинг туб моҳияти ва мазмунига мос келмай қолди. Бу бозор иқтисодига доир муносабатларни тартибга солиб туришдан ва олиб борилаётган туб ҳуқуқий ислоҳотдан анчагина йироқда қолган қонундир.

Конституциямизнинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади, деб қўрсатилган. Бунинг маъноси гоят чуқур ва пурҳикматдир. Дарҳақиқат, бозор муносабатларини тобора ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг асосий йўналиши бўлиб қолди. Иқтисодиётнинг негизини илгаригидай давлат (умумхалқ) мулки эмас, балки бир вақтнинг ўзида барча мулк шаклларининг — давлат, ширкат (жамоа) мулки, аралаш мулк, бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар мулки, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва эркин рақобати ташкил этади. Лойиҳада давлат (умумхалқ) мулкининг устунлигига барҳам берилди. Мулкчилик корхоналар, ижара, талбиркорлик, гаров, қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси ҳақидаги ҳамда шу каби бошқа қонунларнинг асосий қоидалари ўз ифодасини топди. Хусусий мулкнинг мулк шаклларидан бири сифатида лойиҳага киритилиши табиий бир ҳол. Республикамизнинг миллий ва маҳаллий шарт-шароитлари билан боғлиқ хусусиятлар имкон даражасида акс эттирилди. Мулк соҳасида маҳалла мулки, деҳқон хўжалиги мулки, муаллифлик ҳуқуқи соҳасида эса бадиий аҳамиятга эга бўлган қаштачилик ва ҳунармандчилик буюмларининг объект бўлиб саналиши, маҳаллага баъзи ҳолларда мерос мулкининг ўтиши кабилар ҳам ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари, баъзи бир ҳуқуқий тушунчалар ва иборалар янгиланди. Бунга мисол қилиб мол-мулк, кўчириб бўладиган ва кўчмас мулк, инсофсиз рақобат, маънавий зарар, ишбилармонлик обруйи, қимматбаҳо қоғозлар тушунчаси, хос ном ва ҳоказоларни санаб ўтиш мумкин.

Мулкнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ғайриқонуний ўтганида уни қайтариб олиш учун даъво қилиш муддати юридик шахсларга ҳам бир хил қилиб белгиланди.

Даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларга алоҳида эътибор берилди. Лойиҳада давлатимизнинг миллий ва тарихий аҳамиятига эга бўлган ва ўтмишда чор Россияси ва совет империяси даврида ташиб кетилган ёдгорликларни қайтариб олишга ҳуқуқий асос бўлувчи қоида ўз ифодасини топади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги эълон қилингунга қадар мамлакатимиздан ташқарига олиб кетилган, олиб кетиш тартиби ва усулидан қатъи назар ўзбек халқи учун тарихий, маданий ва илмий-бадиий аҳамиятга эга бўлган объектларни қайтариб олиш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайдиган бўлди.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш билан боғлиқ бўлган янги шартномалар (масалан, лизинг) ва янги объектлар (масалан, «ноу-хоу» ишлаб чиқариш сирлари, фойдали модел, муаллифлик ҳуқуқида эса турдош ҳуқуқлар) ҳам ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди.

Фуқаролик ҳуқуқининг субъектларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Уларнинг доираси кенгайди. Жумладан, юридик шахслар турларининг хилма-хиллиги ҳисобга олиниб, уларнинг то шу вақтга қадар бўлган турларига яна янгидан қўшилган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, акцияли жамиятлар, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятлар, хўжалик ширкатлари, ишлаб чиқариш кооперативлари, ижара корхоналари, хўжалик бирлашмалари (уюшмалари), фирмалар, деҳқон хўжаликлари, концернлар, ажнабий давлат юридик шахслари фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлиб, ҳуқуқий муносабатда иштирок этишга ҳақли бўлди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати кенгайди. Энди улар буни амалга оширишда аввалги чекланишлардан холи бўлиб, турли мулкларга, ишлаб чиқариш қурол ва воситаларига эга бўлиш, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш, тадбиркорлик билан шуғулланиб даромад олиш каби имкониятларга эга бўлиши мумкин.

Мажбуриятларнинг келиб чиқиш асоси сифатида шартномаларга алоҳида ўрин берилиб, у янги тушунчалар, қоидалар билан бойиди. Шартноманинг ўзгартирилиши ва бекор бўлиши кабилар алоҳида моддаларда ифодаланди. Унда гаров, унинг пайдо бўлиши, гаров нарсасига алоҳида эътибор берилиб, республикамизнинг «Гаров тўғрисида» 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган қонуни қоидаларига асосланилди. Кафиллик билан кафолат алоҳида-алоҳида ифода этилди.

Мажбуриятларнинг айрим турларини ташкил этган шартномаларга оид қоидаларни тайёрлашда ҳозирги бозор иқтисоди муносабатларига таллуқли жиҳатларига, жумладан, олиш-сотиш шартномасининг ҳозирги вақтда тутган ўрни ва унинг аҳамиятига эътибор берилди. Биржалар орқали, аукцион асосда ёки конкурс (саралаб олиш) асосида тузиладиган турлари алоҳида белгиланди.

Маҳсулот етказиб бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш-контракция шартномалари бутунлай янгича талқин этилди. Ундан давлат режа-топшириқлари, маъмурий-буйруқбозлик каби чеклашлар бутунлай чиқариб ташланди.

Айрим турдаги хизмат кўрсатиш турлари, чунончи, аҳолига ҳуқуқий, тиббий (пуллик), маданий, абонент хизмат кўрсатиш, фуқароларнинг транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш ва таъмирлаб бериш хизмати, фуқароларга маиший хизмат кўрсатиш каби бир қатор шартномали муносабатлар эски кодексда мутлақо назарда тутилмаганлиги сабабли лойиҳада бу шартномалар алоҳида бобда белгиланди. Шу вақтга қадар бизнинг қонунчилигимизда назарда тутилмаган бутунлай янги муносабат — лизинг шартномаси алоҳида боб сифатида киритилди.

Бундан ташқари, яна янги бир мажбурият белгиланди: шу вақтга қадар бошқа шахсларга етказилган моддий зарар тўланиб келинган бўлса-да, етказилган маънавий зарар эса мутлақ қопланмас эди. Энди эса бундай зарарлар зиён етказган шахснинг мулкидан қопланади. Бу ҳақдаги қоидалар алоҳида «маънавий зарарни тўлаш» бобидан ўрин олди.

Фуқаролик ҳуқуқидаги алоҳида бўлим ижодий фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқ, деб аталиб ундаги муаллифлик ҳуқуқи янги қўшимчалар билан бойиди. Бундай қўшимчалар турдош ҳуқуқлар деб аталиб, унда фонограммалар тайёрловчиларнинг ҳуқуқлари, радио эшиттиришда, телевидение кўрсатувларида ижрочилар ва тайёрловчиларнинг рухсатисиз фойдаланиш, шунингдек, фонограммаларнинг муаллифлари, ижрочилари, тайёрловчилари, фазо, йулдошлар орқали узатишни амалга оширувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кабилар алоҳида моддаларда ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари, кодекснинг мерос ҳуқуқи, чет давлатлар фуқароларининг ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати, чет давлатларнинг фуқаролик қонунлари ва шартномаларининг қўлланилиши каби бўлимлари ҳам деярли янги қоидалар билан бойиди.

Қисқаси, фуқаролик Кодекси лойиҳасидаги олти бўлим, қирқ етти боб ва етти юз етмишга яқин модданинг ҳаммаси мамлакатимизнинг мустақиллиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бозор муносабатларига мос ва хос қилиб ишланди ва давр талабига мувофиқлаштирилди.

Й. ЗОКИРОВ,
юридик фанлари доктори, профессор.
Б. ИБРАТОВ,
юридик фанлари номзоди, доцент.

Партия ва ҳаёт

ҲАШАР - ЭЛГА ЯРАШАР

2511-автожамлама Андижон вилоятидаги етакчи жамоаларнинг бири. Бу ерда меҳнат қилаётган мингдан зиёд ҳайдовчи ва ишчи йўловчиларга хизмат кўрсатишни кун сайин яхшилаш билан бирга қатор хайрли ишларга ҳам қўл урмоқдалар. Айниқса, улар халқимизнинг миллий ва анъанавий байрамларини ўзгача кайфият ва кўтаринкилик билан қарши олиб, муносиб нишонлашмоқда. Ғалабанинг 50 йиллик байрами муносабати билан шанбалик ўтказиб, бир кунлик иш ҳақини қутлуғ тантанага бағишлашди. Ҳашардан ҳеч ким четда қолмади.

— Бу Ғалабанинг 50 йиллиги шарафига бағишлаб ўтказган тадбирларимизнинг бир босқичи, холос, - дейди автожамлама бошланғич партия ташкилотининг котиби Абдуҳошим Абдуманнопов. - Аслида унга тайёргарлик анча аввал бошланган. Мазкур санани муносиб нишонлаш юзасидан Ўзбекистон Президенти Фармонига асосан пухта режалар ишлаб чиққан эдик. Уни босқичма—босқич амалга оширишга киришдик. Аввало, иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ва афғон уруши қатнашчиларига бағишлаб суратли лавҳалар ташкил этдик. Улар суронли йилларда ота-боболаримиз кўрсатган мисилсиз жасоратдан ҳикоя қилади.

Бошланғич партия ташкилотимизнинг маъмурият, касаба уюшмаси ва ёшлар ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказган умумий ҳашарини яна давом эттириб, Ватанимизда нишонланадиган йирик байрамларга бағишлашни мақсадга мувофиқ деб топдик. Шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси бошланғич ташкилотимизнинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлади. Халқимизда ҳашар —элга ярашар, деган ажойиб нақл бор. Ундан тушган маблағалар кексаларимиз эҳтиёжига хизмат соҳаларини ривожлантиришга сарфланади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Вилоят партия газеталари таҳлили

«РЕГИСТОН» ИЗЛАНИШДА

Замондошларимизнинг маънавий оламини бойитишда матбуотнинг ўрни беқиёслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Айниқса, ишдан сўнг газета саҳифаларини варақлашга нима етсин. Кейинги пайтда республикамиздаги юзлаб нашрлар сафига Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Жиззах ва Наманган вилоят партия кенгашларининг газеталари ҳам қўшилди. Кувонарлиси, мазкур газеталар нафақат партия матбуоти сифатида, айни пайтда кишиларнинг муаммолари ва муваффақиятларини кўрсата оладиган кўзгу сифатида ҳам яқин ҳамроҳга айланиб боряпти.

Муҳарририятимиз партия газеталарининг шарҳини бериб боришга қарор қилди. Дастлаб «Регистон» — Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши газетаси саҳифаларини варақлаганимизда туғилган мулоҳазаларни баҳам кўришга аҳд қилдик.

«Регистон»нинг илк сони ўтган йилнинг 21 июнида муштарийларга бориб етди. Газета таҳририяти жамоасининг мақсади — истиқлол туфайли қоматини тобора ростлаб, дадил одимлаётган халқимизнинг янгиликларга, маънавиятга бўлган эҳтиёжини қондириш. Президентимиз Фармонлари, партиямиз Дастурий мақсадлари ва Миллий истиқлол мафкураси ғояларини кенг оммага етказиш, туб иқтисодий ислоҳотлар, бозор тизимининг шаклланишига кўмаклашишдан иборат.

Ўтган қисқа давр ичида «Регистон» вилоятидаги ҳар бир хонадоннинг «меҳмони» бўлди, десак адашмаймиз. Унинг саҳифаларида муштарийлар партия ахборотлари қаторида «Меҳмонхона» рукни остида берилаётган санъаткорлар ва бошқа соҳа вакиллари билан бўлган қизиқарли суҳбатларни ўқийдилар. Қадимий меросимизга оид нодир асарлар билан танишадилар. Шунингдек, ўқувчи «Регистон»га мактублар», «Қишлоқ одамлари», «Ақдан-бақдан», «Жиноят ва жазо», «Тайинланди, сайланди» каби рукнларда берилаётган лавҳа, муштарий мушоҳадалари ва муҳим янгиликлардан баҳраманд бўлади.

Газета саҳифаларида берилаётган «Жумбоқли суратлар» ҳам киши эътиборини тортади. «Регистон»да вилоятдаги ижодкорларнинг шеър, ҳандалари, шифокор маслаҳатлари, спорт хабарларининг мунтазам ўрин олганлиги ҳам уни муштарийларга янада яқинлаштиради.

Аммо, «Регистон» саҳифаларида партиядошлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи мақолалар нисбатан камлиги сезилди. Ташаббускор, фаол ва ишбилармон ХДП аъзолари вилоятда йўқ дейсизми? Бор. Шундай экан, уларнинг иш тажрибаларини кенгроқ ёйиш мақсадга мувофиқдир.

Газета жамоаси яқинда Пастдарғомдаги Қўчқор Тўраев номли хўжаликда «Регистон» соврини учун миллий кўпкари мусобақаси ўтказди. Унда Самарқанддаги ўнлаб туманлардан ташқари, қашқадарёлик чавандозлар ҳам иштирок этишди. Мусобақа давомида хайрия тадбири ўтказилиб, кўплаб кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат ва керакли буюмлар тарқатилди.

«Регистон»нинг муштарийлари сони тобора ортиб боряпти. Демак, газета жамоаси тинмай изланиш масъулиятни чуқур ҳис этиб ижодий режаларини бойитиб бориши керак.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

UZBEKISTAN airways

ТОШКЕНТ—АФИНА



Спорт шаҳри - бу ерда олимпиада ўйинларини ўтказиш ғояси туғилган. Кўҳна тарих шаҳри. Машҳур Акрополь, Парфенон, Ареопаг, Дионис театри ва бир вақтнинг ўзида замонавий, жиддий, ишбилармон ва доимо кулиб турувчи шаҳар. Сиз қаерга борманг, албатта кўнгли очиқ табассум билан боқиб турувчи афиналиклар билан учрашасиз. Афина бағоят чиройли бўлиб, бу ерда сизни, ажойиб Суньон бурни, Пирей қўлтиғининг мафтункор гўзаллиги, Византия ибодатхоналарининг мозаикаси ва кўпгина бошқа гўзалликлар ўзига ром этади. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси ҳаво лайнерида бору-йўғи 5 соатдан ортиқроқ парвоздан сўнг сиз ғаройиб шаҳарда бўласиз.

Май ойидан бошлаб ҳар ҳафтанинг сешанба кунларида ИЛ-62 самолётида Тошкентдан - Афинага доимий қатнов йўлга қўйилади.

Тошкентдан учиш вақти - 14.40

Афинага келиш вақти - 17.40

(учиш ва келиш маҳаллий вақт бўйича кўрсатилган, жадвалда баъзи аниқликлар бўлиши мумкин).

Қўшимча маълумотларни Сиз авиабилетларни банд этиш ва сотиш мажмуидан олишингиз мумкин:

Тошкент, Ш. Руставели кўчаси, 9.

Тел. 56-38-37, 006.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси - бутун жаҳон қанот остида!

АВПАРЕКЛАМА

Илм-фан янгиликлари

ЭРТАНГИ ТАШВИШЛАР

Узбекистон Давлат фан ва техника қўмитаси таклифига биноан БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш қўмитасининг Италиядаги халқаро ўсимликларнинг генетик манбалари институти маслаҳатчиси Зофия Булинская-Радомская Узбекистонда бир неча кун меҳмон бўлди. Унинг юртимизга ташриф буюришидан кўзланган мақсади Марказий Осиё минтақасида ўсимликларнинг генетик манбалари ҳолати ва ундан фойдаланиш имкониятларини урганиш ҳамда узининг хулосаларини қўмитага ҳисобот тарзида тақдим этиш эди.

Маълумки, пахта яккаҳокимлиги даврида суғориладиган майдонларнинг ҳаддан ташқари кенгайтирилиши оқибатида Сирдарё ва Амударё ўз сувини Орол денгизига қуёлмай қолди. Бу ва пахта далаларининг ўта кимёлаштириб юборилиши экология вазиятининг бузилишига олиб келди. Бир неча ўсимлик турлари йўқ бўлиш даражасида. Бир ҳафта мобайнида ҳурматли меҳмон билан республикамиз биолог олимлари ўртасидаги мулоқотлар фикр алмашувлар, мунозаралар юқоридаги муаммоларни яна бир таҳлилдан ўтказиш имконини берди. Диёримизнинг тоғу тошлари, қиру адирлари, суғориладиган ерларидаги ўсимликларнинг генетик даражаси, аввал яратилган коллекциялар ҳолати ва янгиларини яратиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Шуни қайд қилиш лозимки, шу соҳа илмий-текшириш институтларида юз хилдан ортиқ қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ва улар ёввойи турларининг 50 минг хилга яқин намуналаридан ташкил топган коллекция мавжуд. Яқинда ўсимликларнинг генетик манбалари ҳозирги ҳолатини урганиш ва уларни келгуси авлод учун сақлаш йўлларини аниқлаш мақсадида Узбекистон Давлат фан ва техника қўмитаси қошида илмий мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Уз навбатида йирик олимлардан ташкил топган мазкур кенгаш шу йил июнь ойида Техронда буладиган минтақавий илмий анжуманга тайёргарликни бошлаб юборди. Шунингдек, ўсимликларнинг генетик ҳолатларини урганиш буйича миллий дастур яратишга киришилди. Кувонарлиси, шу соҳада Узбекистонда халқаро минтақавий институт ташкил қилиш кузда тутилмоқда.

Зофия Булинская-Радомская ўлкамиздан олган чуқур таассуротларини таъкидлаш билан бирга, Узбекистонни БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда биологик хилма-хилликни урганувчи қўмиталарига аъзо бўлишини тавсия этди.

Мирадҳам АБЗАЛОВ,
кенгаш аъзоси,
Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Божхона бекати

СЕРГАКЛИК ИШ БЕРДИ

«Шимолий» темир йўл шоҳбекатида Тошкент шаҳар божхона хизмати нозирлари транспорт ички ишлар бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказаётган тадбирлари чоғида «Тошкент — Москва» йўналиши бўйлаб жўнамоқчи бўлаётган белоруссиялик П. А. исмли шахс ўзининг шубҳали хатти-ҳаракати билан эътиборни жалб қилди. Бунга божхона хизмати нозири О. Каримовнинг синчковлиги ва сергаклиги иш берди. Натижада «меҳмон»нинг бор-йўғи назоратдан ўтказилганда унинг олазараклиги сири билиндиқўйди. Шахсий юклар орасидан 1,3 кило наркотик модда топилди. Темир йўл ички ишлар бошқармаси бошлиғининг берган маълумотномасига кўра, бу шубҳали модда ўта кучли таъсир қилувчи «марихуанна» эканлиги тасдиқланди.

Ҳозир мазкур ҳуқуқбузарлик юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, «заҳри қотил» кимдан олингани-ю, қаёққа олиб кетилаётганини билиш мақсадида текширув олиб борилмоқда.

Пўлат ЖОЗИЛОВ,
божхона нозири.

Савдони эркинлаштиришни таъминлаш ва дўконларда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган саккиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг узлуксиз бўлишига эришиш учун Фарғона вилоятида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиққан дастур асосида фаолият юритяпмиз, -дейди вилоят матлубот акционерлик жамияти бошқарувининг раиси Тўлқинжон Мўйдинов. — Бугунги кунда қариб икки миллион фуқарога икки мингта савдо дўконимиз хизмат кўрсатянти. Вилоятимиз саноат корхоналари кўмагида товар айри-бошлаш йўли билан кўзда тутилган маҳсулотларни ўз вақтида олиб келишга эришилянти.

Шу пайттача икки юз тонна макарон маҳсулотларини четдан олиб келдик. Шунингдек, ўз имкониятларимизни ишга солиб, тасарруфимиздаги 17 та кичик макарон цехларининг узлуксиз ишлашини таъминлаяпмиз. Йил давомида 500 тонна макарон маҳсулотини тайёрлаш имконимиз бор. Яна тўрт туманда мана шундай ихчам цехларни ишга туширамиз.

Суратда: Заркент қишлоғидаги нон маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон сотувчиси Мавлуда Гофурова.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Мутахассис шарҳи

Халқаро кредит: жозибали, лекин масъулиятли

Мустақил Ўзбекистонимиз жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига дадил кириб бормоқда. Мамлакатимиз икки томонлама фойдали иқтисодий алоқаларнинг деярли барча жабҳаларида иштирок этмоқда. Аммо нима учун Ўзбекистон чет эл кредитини олишга унчалик ошиқмаянти? Бу борада у «етти ўлчаб бир кес» қабилида ни тутмоқда. Нима, бунинг бирон-бир хавфли томони борми? Ахир, ташқаридан кредит олиб, халқ хўжалигининг устивор йўналишларини ривожлантиришга ёки зарур халқ истеъмоли молларини харид этишга, сўмнинг қувватини оширишга сарфланса маъқул эмасми? Мана, масалан, Қирғизистон шу йўлни тутган: нуфузли халқаро банклардан бир неча бор кредит олишга улгурди...

Шунга ўхшаш саволлар ҳозир кўпчиликни қизиқтирмоқда. Бу масалани шарҳлаб беришни сўраб мухбиримиз иқтисод фанлари доктори, профессор Нурислом ТЎХЛИЕВга мурожаат этди. Қуйида ушбу шарҳ билан танишасиз.

— Ўзбекистон ҳукумати ва унинг иқтисодий-молиявий идоралари, умуман олганда, халқаро кредитлардан фойдаланишга қарши эмас. Жаҳондаги тараққий этган давлатлар, ҳатто АҚШ ва Япония ҳам айрим мураккаб лойиҳаларни молиялаштиришда ташқи кредитларга мурожаат этишади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин вайрон бўлган Европани тиклашга хизмат қилган «Маршалл режаси» ҳам АҚШ ва минтақадаги 16 давлат ўртасида молия-кредит воситаларидан унумли фойдаланишга асосланган эди.

Менинг назаримда, Ўзбекистон ҳукумати халқаро кредитларга — соф иқтисодий-молиявий томондангина ёндашмаётган кўринади. Бундай сиёсатнинг устун ва афзал жиҳатлари бор. Чунки, четдан кредит олишнинг сиёсий, психологик, таъбир жоиз бўлса, ахлоқий оқибатларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ундан фойдаланиш — мамлакатнинг тутган ўрни, обрў-эътибори, ички имкониятлари билан ҳам боғлиқ масала. Ўзбекистон малакали меҳнат ресурслари ва қулай табиий иқлим шароитига, бой минерал хом ашё заҳираларига эга, сиёсий ва ижтимоий жиҳатлардан барқарор давлат. Ана шу имкониятларга таянган ҳолда тараққиётнинг ички омилларидан фойдаланиш анча афзалдир. Бу жиҳатдан Қирғизистоннинг йўриғи бошқа. Кредит, яъни қарз — ўз номи билан қарз. Уни ким ва қачон олади? Йирик ва мураккаб дастур ва режаларни мустақил молиялаштиришга қурби етмаганлар халқаро кредит хизматидан фойдаланишга мажбур. Қарзни бир марта, икки марта, борингки, ўн марта олиш мумкин. Хўш, ундан кейин-чи? Кетма-кет кредит олиб, ички тараққиёт омилларини орқага суриш, ўз навбатида, хоҳлаймизми йўқми, боқимандалик кайфиятини келтириб чиқаради. Собиқ СССР вақтида худди шундай эди. Ички имкониятлар ишга солинмас экан, иқтисодиёт қон берувчи донорга боғланиб қолган бемордек, халоскорига кўз тикиб турарарди. Иқтисодиёт ҳам жонли организмга ўхшайди. Инъекция — эмлашга ўрганиб қолган хастанинг эса аҳволи маълум.

Тўғри, кредит ҳаммага ҳамма вақт берилавермайди. Унинг маълум қоидалари бор. У маълум муддатга, устама фоиз билан, албатта эгасига қайтариб бериш шарти билан ажратилади. Белгиланган муддатда қайтарилмас экан, демак, бундай қарзлар келгуси авлод зиммасига тушади. Келгуси авлод ҳисобидан кун кўришга эса ҳеч кимда маънавий ҳуқуқ йўқ. Бу ахлоқий масала. Кредитнинг кафолатланиши, моддий таъминланиши аниқ мақсадларга йўналтирилиши қоидаларига келсак, булар у қадар қийин юмушлар эмас. Кафолатлар ҳам, аниқ лойиҳалар ҳам бизда мавжуд.

Бу фикрдан, Ўзбекистон халқаро кредитларга мойил эмас экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида имкони борича кичик технологияларни харид қилишни тезлаштириш зарурлигини таъкидлади. Бу талаб сармоя жамғармалари, маҳаллий бюджетлар, суғурта маблағлари ва фуқароларнинг шахсий жамғармалари билан бир қаторда хорижий кредитларни ишга солишни ҳам назарда тутади. Маърузада қисқа муддат мобайнида ички бозорни тўлдирадиган ва экспорт қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик технологияларни жорий этиш концепцияси ва бу борада миллий дастур ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Бинобарин, ҳукуматимиз келгусида иқтисодиётда структуравий қайта қуришларни жадаллаштириш, бозор инфраструктурасини ривожлантириш, майда технологиядан фойдаланиш учун хорижий сармояларни кенг жалб этиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти билан юзма-юз

КЎМИРНИ КАВЛАГАНГА ЁҚТИР

Ўлкамиз иқтисодиётида бозор муносабатлари ўз шаклу шамойилига эга бўлиб бориши саноат, маиший хизмат, яъни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг барча тармоқлари фаолият даражаси улар яратган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан қарасак, Ўзбекистон Республикаси «Кўмир» қазиб олиш ва уни сотиш ҳиссадорлик бирлашмасининг чекига шундай масъулиятли вазифа тушган.

Албатта, бозор мезонларига бардош бериш, тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг ўзига хос йўлларини қидириб топиш бирлашма бош директори Анатолий Лелеко бошлиқ раҳбариятнинг зиммасида. Улар жорий йилда ўзларига қарашли «Ангрен кўмиртехтранс», автокорхона, ҳисоблаш маркази, кўмир газларидан фойдаланиш станцияси ва бошқа ёрдамчи ташкилотларни бирлаштириб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирдилар. Демак, энди республика иқтисодиётига, равнақига қўшган улуши ва ўрнига қараб манфаатдорлиги ортади.

Корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиши қийин бўлган ҳозирги пайтда бирлашманинг 11 минг кишилик жамоаси фақат фойдани кўзлаб иш юритмоқда, кўзланган мақсадига эришмоқда. Улар ўтган йили 4 миллион 380 минг тонна кўмир қазиб олиб, 67 миллион сўмлик соф фойда билан 1995 йилга қадам қўйдилар. «Бунга асосий сабаб ишчилар аҳволидан, руҳиятидан хабардор бўлиб турганлигимиз деб ҳисоблайман, — дейди бош директор. — Зеро, меҳр-оқибат, мурувват бўлмаган жамоада бузилиш рўй беради».

Дарҳақиқат, директорнинг айтганича бор: ишчиларнинг деярли 80 фоизи уй-жой билан таъминланган. Ўрта Чирчиқ ва Оҳангарон туманларида бирлашманинг фермер хўжаликлари бор. Шунинг учун ҳам жамоа ишчилари ҳар ойда гўшт ва гуруч билан арзон баҳода таъминлаб турилади. Бундан ташқари 4 та дам олиш зонаси, 2 та болалар лагери, Ангрен санаторий ва профилакторийси ишчилар хизматида. Шуларнинг барчаси ишчи-хизматчилар меҳнат қобилиятининг ўсишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Бирлашмада кўмир қазиб олиш уч усулда олиб борилади. Масалан, Ангрен разрезида очиқ ҳолда, 9-шахтада ва «Шаргун» конларида ёпиқ ҳолда — шахта усулида олиб борилмоқда. «Ер ости гази» станциясида эса кўмирдан газ олиш бор, «Ангрен»да қўнғир кўмир чиқса, «Шаргун»да тошкўмир қазиб олинади.

Республиканинг кўмирга бўлган эҳтиёжини қондириш учун 3,4 миллион тоннадан ортиқ кўмир қазиб олиш даркор. Демак, ўтган йили мамлакатимиз эҳтиёжини тўла қондирилган деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун ҳам четдан республикага кўмир келтиришни узил-кесил тўхтатиш мумкин. «Ангрен» ва «Шаргун» конларида ҳали яна 1,8 миллиард тонна заҳира кўмиримиз бор. Бундан ташқари ҳозирги кунда Бойсун конида ҳам қидирув-экспедиция ишлари олиб борилмоқда.

Қазиб олинган кўмирнинг 60 фоизини республика Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги Ангрен ва Янги Ангрен ГРЭСлари учун сотиб олади, 25 фоизини мамлакатимиз аҳолиси ва 15 фоизини эса бюджетдаги ташкилотлар ҳарид қилишади.

Кўмир қазиб олиш ишлари чиқиндисиз технология асосида амалга оширилмоқдаки, саралланган кўмирдан қолган чиқиндилар қишлоқ хўжалиги учун органоминерал ўғитлар ишлаб чиқаришда асқотмоқда. Бу бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш қилинаётганидан, тадбиркорликнинг ўзига хос йўллари амалга тадбиқ этилаётганидан дарак беради. Кўпчилигимиз кўмирни ўтин ўрнида тушунамиз. Аслида эса кўмир фақат электростанция ва маиший хизмат турлари учун ёқилғи эҳтиёжигина бўлиб қолмай, брикетлар (пресслаб, турли шаклда кўмир кукуни ва битум қоришмасидан таёрланган нарса) ишлаб чиқариш, кокс, тошкўмир, нефть, торф ва бошқа шу кабилар ҳавосиз қиздириб тайёрланадиган қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқариш учун ҳам жуда зарур бўлган хом ашёдир.

Бундан ташқари кўмир қазиб олиш пайтида йўл-йўлакай бошқа фойдали қазилма бойликлари ҳам олинади.

Масалан: 1) Ер ости кўмир газлари ишлаб чиқариш технологияси амалда қўлланилмоқда. Тўғри, шахтада кўмирдан саноат гази олиш жуда оғир. Ишчилар ҳаёти учун ҳатто хавфли ҳам. Аммо атроф-муҳит ифлосланишининг олди олинади. Тупроқ қатлами тўлалигича сақланиб қолади. Тупроқни қайта тиклаш ишларига ҳожат қолмайди. 2) Каолин (чиннигил) олиш ҳам йўлга қўйилган. Бу ҳақда қуйироқда тўхталиб ўтамиз.

3) Ангрен конидан чиқаётган оҳактош саноатнинг барча талабларига жавоб беради. Бирлашма йилига 1,5—2,5 миллион тонна оҳактошни истеъмолчиларга етказиб бериш қувватига эга.

4) Юқори сифатли кварцли қумлар ҳам чиқадики, улар шиша ва ойна тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

5) Яхши текисланадиган ва сайқалланадиган қора, кулранг, қорамтир-қизғиш рангли гранитлар.

6) Қора рангдан тортиб, оқ қизғиш ранггача бўлган, юпқа ва майда донали мармарлар.

7) Яхши хом ашё ҳисобланмиш қизил ва қора гематит темиртош, глауконитлар, гетитлар, лимонитлар, темирлашган тупроқлар ёрдамида «Сурик», «Мумиё», «Охра» сингари минерал бўёқлар олинади.

8) Ёпишқоқ керамика, юқори частотали радио керамика, алоҳида турдаги ганч ва чиннилар учун ишлатиладиган волластонит ҳам шу кондан чиқади.

Бу ишларнинг барчаси чиқиндисиз технологиянинг самараси ўлароқ, бирлашмани дунёга танитмоқда.

Энди каолин (чиннигил) ҳақида бироз сўз юритсак. Каолин Ангрен конида мавжуд бўлган барча хом ашёлар орасида алоҳида ўрин тутади. У керакли буюмлар — полга ётқизиладиган кошинлар, плиталар сиртини қоплаш учун, хўжалик ва безакли чиннилар ҳамда сантехника буюмлари учун қоғоз ва резина техника саноатида тўлдирувчи хом ашё сифатида, оқ ва рангли цемент ишлаб чиқаришда аҳамияти катта. Унинг баҳоси олтинга тенг. Шунинг учун ҳам Финляндия, Япония, Эрон ва Греция сингари ривожланган мамлакатлар каолинга талабгор сифатида юртимизга «бош уриб» келмоқда. Шу боис республика Вазирлар Маҳкамаси ўтган йили ноябрь ойда Ангрен шаҳрида «Кўмир» қазиб олиш ва уни сотиш ҳиссадорлик бирлашмасида Швейцариянинг «Мобетекс» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Унга кўра, корхонанинг биринчи навбати шу йил охирида, 1996 йилга келиб эса тўлиқ қурилиб, фойдаланишга топширилиши керак. Ана ўшанда 3,5 — 4 миллион тонна каолин тайёрлаш имконияти яратилади. Демак, ишчиларнинг манфаатдорлиги ҳам янада ошиши турган гап. Афсус, бирлашмада муаммолар ҳам йўқ эмас. Шу кунларда уларни қийнаётган нарса — қарздорлар масаласи. Масалан, республика Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги бирлашмадан 100 миллион сўм, Халқ таълими вазирлиги 24 миллион 644 минг сўм, «Ўзбекбирлашув» 6 миллион 973 минг сўм, Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2 миллион 284 минг сўм, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2 миллион 73 минг сўмлик қарзини тўлай олмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Бундай рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бироқ ҳар кимга инсоф берсин.

Халқимизда «Кўмирни кавлаганга ёқтир» деган нақл бор. Бу ибора ишнинг кўзини билиб, тежамкорлик билан иш юритаётган республика «Кўмир» қазиб олиш ва уни сотиш ҳиссадорлик бирлашмаси фаолиятига ҳам тааллуқли. Корхона жамоаси бугунги кунда улкан ишларни бажариб, жаҳонга юз тутмоқда.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислоҳот йўли — тараққиёт йўли

МУЛКЧИЛИККА МУНОСАБАТ ЎЗГАРДИ...

ЁХУД «ЖИЗЗАХТРАНС» ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР

«ОДАМЛАРНИНГ ТАҚДИРИГА ДОХИЛМИЗ»

Бошқарув раҳбарларининг фикри бир жойдан чиқди. «Ўзавтотранс» корпорацияси бирлашмаларидан «Андижонтранс», «Жиззахтранс», «Наманганнтранс» ва «Тошвилюктранс» жамоаларида бозор сари илдам кетилаяпти. Бу Жиззах сари сафаримизга туртки бўлди.

«Тошкент» автошоҳбекатидан йўлга тушган автобусда ҳайдовчи билан ҳангомалашиб боряпмиз. Жамол ака Шоймардонов (ҳайдовчи) ниятимизни англагач, ўз-ўзидан суҳбатимиз ҳам қовуша қолди. «Энди, ҳеч кимга осонмас, йўлкира ҳақи ошиб кетди, — дейди у. — Аммо гап шундаки, баъзан йўловчиларимизнинг таъна-дашномларини ҳайдовчи эшитади. Ҳа, биродар, бу бировга боғлиқ нарсамас, ахир. Тушунинг, техникаям ўз-ўзидан юрмайди, бунинг запчасти бор, дизел ёқилғиси бор. Ҳисобкитоби бор. Бекордан бекор нарх белгиланмайди-ку... Қаёқда дейсиз, ўйлайдики, бераётган пули шофёрларнинг чўнтагида қолади. Энди, шунақа одамларнинг биттаси дуч келса, кайфиятни билаверинг... Баъзан асабий ҳолда рулда кетатуриб 35-40 одамнинг тақдирига доҳил эканлигингни ўйлайсан-у, ўзингга эўрга келасан. Қоларса, план деган нарса бор...»

Жиззах автошоҳбекати. Диспетчернинг равон талаффузда эълони янграйди: «Тошкентга, Фарғонага, Андижонга, Гулистонга... борувчи йўловчилар кассадан билет олишингиз мумкин...»

ЮТУҚЛАР ЎЗ-ЎЗИДАН ЮЗАГА КЕЛМАЙДИ

«Жиззахтранс» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси бир йилдирки, мулкчилик шаклини ўзгартирди. Бундан кўзланган илк мақсад мулкни эгаларига бериш бўлса, кейинги ният ўз-ўзидан равшан-эгалик қилиш баробарида мулкка бўлган муносабатнинг янгиланиши, ундан унумли фойдаланиш, асраш, иқтисод қилиш... Хўш, бу ниятлар ҳаётда қандай рўёбга чиқмоқда? Умуман айтганда, бозор иқтисодиётига ўтишнинг илк тажрибалари қандай! Аввало, шу ва шу каби саволлар билан бирлашма бош директори, Ўзбекистон халқ демократик партияси Марказий Кенгаш аъзоси В. К. Думлер ҳузурида бўлдик.

Суҳбатдошимиз ҳақида икки оғиз. 1937 йилда туғилган. Касби муҳандис. Мазкур соҳада суяги қоттан. Тўққиз йилдирки, бирлашмани бошқармоқда.

— Кейинги уч йилда, хусусан, мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, хусусийлаштириш борасида қилинган ишлар тўғри йўналиш танланганини кўрсатяпти — дейди у.— Зеро, автотранспорт соҳаси жамиятдаги ҳар бир янгиланиш жараёнида, қайта қуриш ишларида муҳим тармоқ ҳисобланади. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида қўйилган вазифалар тўла-тўкис уддаланди. Ўтган йили барча автокорхоналаримиз юк ва йўловчи ташиш режаларини бажардилар. Ёнилғидан омилкорлик билан фойдаланиш ва юк ташиш ишларини яхшилаш бўйича дастуримизнинг техник эксплуатация кўрсаткичлари ҳам мўлжалдагидай бўлди.

Йўловчи ташиш масаласида яхшигина натижаларга эришдик. Ўтган йили тўртта янги автобус йўналиши очдик. Дарвоқе, йўл қурилиши, умуман, қурилиш хомашёси тақчиллиги, бугунги иқтисодий қийин бўлган шароитда ҳам автошоҳбекатлар қурилишига катта эътибор беряпмиз. 1993 — 1994 йилларда Ўсмат, Ульяново, Ғаллаорол, Зафаробод ва Жиззахда янги автошоҳбекатлар қуриб фойдаланишга топширдик. Ўтган йили 25 та Туркиянинг «Доган» фирмаси чиқарган енгил автомашина такси сифатида ишлай бошлади.

— **Валерий Константинович, маълум бўляптики, режалар ҳар томонлама уддаланган, ишлар яхши. Бу бир қарашда осон кўринади. Тажрибалар билан ўртоқлашсангиз, фикримиз анча ойдинлашарди, дейман...**

— Дарҳақиқат, мен айтган ўша кўрсаткичлар ўз-ўзидан юзага келган эмас. Ахир илгариги етказиб беришлар тугул, умуман, алоқалар ҳам аксарияти узилган. Аммо ишбилармон, тадбиркор ходимларимиздаги тиниб-тинчимаслик, ўз ишига, касбига бўлган муҳаббат боис биз ишлаб чиқаришни тўхтатдик эмас, аксинча, ишларимизни ўнглаб ҳам олдик. Энди янада янги ниятлар амалиёти билан шуғулланяпмиз.

Бир неча йилдирки, Ярославль вилояти ва Красноярск ўлкаси билан бевосита ўрнатган алоқаларимиз қўл келяпти. Авгган йили «Ярославль — Жиззахтранс» қўшма корхонасини ишга туширдик.

— **Ишнинг олга кетишида кишилардаги кайфиятнинг, касбига бўлган муносабатнинг аҳамияти муҳим. Зеро, бугун раҳбарияти ўз жамоадошларининг ҳар жиҳатдан кўнглини ололмаётган корхона ва ташкилотлар инқирозга юз тутаётгани сир эмас. Зотан, маълум маънода етарли иқтисодий база, маънан эса тажриба даркор...**

— Ҳар бир корхонамизда ишчиларни ижтимоий муҳофазалаш, меҳнат қилиш ва дам олиш шароитларини яхшилаш устида доимий шуғулланамиз. Бирлашмамиз қарамоғида 9 та тошиналар, аккумуляторлар ва бошқа эҳтиёт қисмларни ўша томондан маҳсулот айрибошлаш йўли билан келтирилянпти. Бу осон эмас, албатта. Лекин, ўша ҳамкорнинг ишончини қозониш, дипломатик донолик, ишнинг кўзини билиш каби фазилатлар омухта бўлса амалга ошмайдиган иш йўқ. Ҳатто ўзаро муносабатларнинг мустаҳкамланиши йўлида ўтдам олиш хоналари, 14 медпункт, 9 клуб, сауна, 140 ўринли болалар боғчаси, 14 ошхона, дўкон ва сартарошхоналар бўлиб, булар жамоа аъзолари учун фаол хизматда. Жиззах туманида жойлашган 50 ўринли санатория-профилакторияга йўлланмалар улар таннархининг 10 фоизи баҳосида сотиляпти. Умуман, ишчиларни ижтимоий муҳофазалаш учун ўтган йили 1,5 миллион сўм сарфланди.

Шу ўринда яна таъкидлаб ўтсам бўлади. Одамлар мулкка ўзгача кўз билан қарар экан, унумдорлик, иқтисод қилиш масалалари ўз-ўзидан амалга ошади. Бизнингча, муҳими ҳам шу. Бас шундай экан, ўтган йили Жиззах шаҳридаги 23-автокорхонани очиқ турдаги давлат ҳиссадорлик жамиятига айлантирдик. Якунлардан хурсандмиз. Бу катта тажриба берди бизга.

— **Валерий Константинович, бу йилнинг ҳам иккинчи чорагидамиз. Умуман, 1995 йилнинг дастлабки чораги якунлари, режалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Аввало, 1995 йилда «Жиззахтранс»да иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини ишлаб чиққан эдик. Режали иш яхши-да. Мўлжалларимиз амалиётга тўлиқ тадбиқ этиляпти. Жорий йилда бир миллион 620 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб, 60 миллион йўловчига хизмат қиламиз. Зарбдор қўргонида 100 йўловчига мўлжалланган автобошбекат ишга туширилади. Биринчи чоракда 2880 минг тонна юк ташилиб, 14649 минг йўловчига хизмат кўрсатилди. Бу режага нисбатан 100,5 фоизни ташкил этади. Дарвоқе, 13 та автокорхонамизни очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантириш режамиз ҳам бор. Хулоса қилиб айтсам, жамоамизнинг мақсади битта: бу йил тармоқда ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланиш, тақчил бўлган ёқилғимойлаш ва бошқа маҳсулотларни тежаб, соҳа ишида мунтазам муваффақиятни таъминлаш. Ҳаракатларимиз шунга қаратилган. Ниятларимизнинг амалга ошишига ишончимиз комил.

БОШ ОМИЛ

Яхши бошлиқ — ярим ютуқ, деган гап бор. Бу бежиз эмас, албатта. Валерий Константинович Думлер тиниб-тинчимас раҳбар, қолганлардан ҳам шуни талаб қилади. Ҳали тил ҳақида қонун чиқмасданоқ ўзбек тилини ўрганди. Шу тилда муомала қилишга ўтди. Бу унинг замин фарзандларига бўлган ҳурмат-эҳтироми ҳам эди. Узоқ йиллар шу соҳада ишлаб келаётган кишилардан маслаҳат олишни одат қилди. Айниқса, кадрлар танлашда бу жуда оқил иш бўлди. Аслида ҳам раҳбарларни тўғри танлаб қўйишда гап кўп. Бир йил бўлди чамаси, Ғаллаоролдаги 50-автокорхона директорини ўзига тижорат ишлари бўйича ўринбосар этиб тайинлади. У Султон Мустафоқуловнинг ким эканлигини яхши билганидан шундай қилди. У Красноярск ўлкасига бориб шартномалар тузяпти, қанча-қанча зарур нарсаларни ундириб келяпти. Бошқа вилоятлардаги раҳбарлар ҳам Думлернинг ана шу ўринбосарига тан беришади. Чунки мавоза учун маҳсулотларни баъзан Сурхондарёдан, баъзан эса водийдан ҳам сотиб олиняптида. Валерий Константиновичдан ютуқлар омилини сўрасангиз, ҳар қачон ўзи яхши билган раҳбарларни санайди: Раим Норқўзиев (32-автокорхона), Ғайбулло Мустақов (50-автохўжалик), Леонид Кореньков (21-автокорхона), Ҳаким Норқўзиев (112-автокорхона), Шуҳрат Рашидов (20-автосарой), Қучқор Ўролов («Жиззахавтосарой»), Турсунбой Қаршибоев (23-автокорхона) каби директорлар... 2517-автожамланмадан Файзулла Ўролов, 50-автокорхонадан Искандар Мамараҳимов, 32-автохўжаликдан Абдурасул Мелибоев, Пирим Шавалиев, Аҳмад Норқўзиев, Искандар Гофуров, Баҳриддин Жониқулов, Жиззах таксомотор паркидан Мустафоқул Орзиқулов, 20-автосаройдан Ином Юсупов, Раҳмат Расулов, 50-автокорхонадан фахрий автомобилчи Шерқул Пардабоев каби ҳайдовчилар ва яна ўнлаб чиланглар, сайқалловчи, муҳандислар ҳақидаги илиқ фикрларни эшитиб одамнинг кўнгли тўлади. Муҳими, раҳбар уларни номмаиом санайди, қарийб ҳар бирини танийди, ишонадиям. Зотан, тадбиркор раҳбарнинг ишончини оқлаётганлар қўлида бўлган соҳанинг гуллаб-яшнаши, равнақ топишига умид қилса бўлади.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.



Суратларда: «Жиззахтранс» бирлашмаси бош директори В. К. Думлер; 2. Илғор жамоалардан 32-автокорхона аҳли.

ТАШКИЛОТ СОТАДИ

— Соатига 70, 100, 150, 200 килограмм ун ва омихта ем чиқарадиган тегирмонлар;
— ҳўл мева қуритадиган шкафлар;
— 420, 700, 3000 дона тухумга мўлжалланган инкубаторлар;
— товуқ ва гўшт маҳсулотларини пиширувчи грил шкафлар;
— сутни қайта ишлайдиган цехлар.

Телефонлар:
79-18-30, 79-24-40,
79-24-15, 44-47-69, 62-07-91.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича докторантура ва аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДОКТОРАНТУРА:

010407—Қаттиқ жисм физикаси.
050201—Машинасозликда материалшунослик.
051113—Табиий муҳит, моддалар, материаллар ва буюмларни текшириш асбоблари ва усуллари.
051301—Техникавий тизимларда бошқарув.
051708—Кимёвий технология жараёнлари ва аппаратлари.

АСПИРАНТУРА:

010101—Математика анализи.
010111—Тизимли таҳлил ва автоматик бошқарув.
010204—Қаттиқ жисмнинг механик деформацияси.
010205—Суюқлик, газ ва плазма механикаси.
010404—Физика электроникаси.
010407—Қаттиқ жисмлар физикаси.
010410—Яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси.
040001—Умумий ва регион геологияси.
040008—Петрография вулқонлаштириш.
040012—Фойдали қазилма конларини излаш ва қидиришнинг геофизик усули.
040013—Фойдали қазилма конларини излаш ва қидиришнинг геохимик усули.
050201—Машинасозликда материалшунослик.
050204—Машиналарда ишқаланиш ва ейилиш.
050301—Механикавий ва физикавий-техникавий ишлов бериш жараёнлари, дастгоҳлар ва асбоблар.
050305—Босим билан ишлов бериш жараёнлари ва машиналари.
050704—Учувчи аппаратлар саноатининг технологияси.
050901—Электр машиналари.
050903—Электротехника мажмуалари ва тизимлари.
050905—Назарий электротехника.
051108—Радио ўлчов асбоблари.
051113—Табиий муҳит, моддалар, материаллар ва буюмларни текшириш асбоблари ва усуллари.
051301—Техникавий тизимларда бошқарув.
051305—Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари.
051306—Автоматлаштирилган бошқарув тизимлари.
051307—Автоматлаштирилган технология жараёнлари ва ишлаб чиқаришлар (жумладан, тармоқлар бўйича).
051313—Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва тармоқлари.
051316—Илмий тадқиқотларда ҳисоблаш техникаси, математика, моделлаштириш ва математик усулларни қўллаш.
051318—Математик моделлаштиришнинг назарий асослари, ҳисоблаш методлари ва программа комплекслари.
051402—Электр станциялари, тармоқлар, электр қуввати тизимлари ва уларни бошқариш.
051404—Саноат иссиқлик энергетикаси.
051405—Иссиқлик техникасининг назарий асослари.
051410—Гидроэлектр станциялари ва гидроэнергетика қурилмалари.
051416—Атроф -муҳитни муҳофаза қилиш техникаси.
051501—Маркшейдерлик.
051510—Қудуқ қазиш.
051601—Металлшунослик ва металларга иссиқ ҳолда ишлов бериш.
052001—Қишлоқ хўжалик саноати механизацияси.
052004—Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги машиналари.
070002 Ватан тарихи.
080001—Иқтисод назарияси.
080005 Менежмент.
090001 Диалектика назарий билим.
090004—Эстетика.
170006—Эстетика техникаси.

Аризалар 1 майдан 1 июнгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари июнь ойида ўтказилади. Имтиҳон дастурлари 1) махсус фан, 2) фалсафа, 3) чет тилидан (олий ўқув юртлари дастури ҳажмида тузилган).

Бошқа шаҳардан келганлар аспирантурага қабул қилингандан кейин ётоқхона билан таъминланадилар.

Қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади: ректор номига ариза, ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (3х4 см. ҳажмдаги иккита фотосурат билан), таржимаи ҳол, тавсифнома—тавсиянома, эълон қилинган илмий ишлари рўйхати (ёки мутахассислиги бўйича реферат), олий ўқув юртини битирганлиги тўғрисида диплом нусхаси ва синов қайдномасидан кўчирма, 2.2 намунадаги гувоҳнома (номзодлик имтиҳонларини топширганлар учун).

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин:
700095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДТУ, 413-хона докторантура, аспирантура ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими.

Телефонлар: 46-87-82.

Теннис

КИЧИК ТЎП ОШУФТАЛАРИ

Теннис жаҳонда энг ривожланган ва оммавий спорт турларидан ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда теннисни маданият тимсоли деб баҳолашади. Сабаби — ўз саломатлигининг қадрига етадиган ҳар бир киши кичик тўп билан ошнолашаркан аввало тетик ва бардам, кайфияти чоғ бўлишини ўйлайди. Ўтган йили республика пойтахтида қад ростлаган «Юнусобод» теннис саройини фойдаланишга топширилиши ва бу ерда «Президент кубоги» учун халқаро мусобақани ўтказилиши ўзига хос воқеага айланган эди. Шу кунларда анъанавий равишда ўтказишга аҳд қилинган мазкур мусобақага тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Мамлакатимиз шаҳарларида янгидан-янги таннис майдончалари, қолаверса, теннис саройларини барпо этиш мўлжалланмоқда. Хусусан, Тошкентдаги «Динамо» теннис саройи қайта таъмирланиб, яна 10 минг томошабинга мўлжалланган теннис ўйингоҳини фойдаланишга топширилиши ҳам шундан. Айни пайтда Самарқанд, Фарғона, Термиз, Урганч каби 9 шаҳарда йирик теннис саройлари барпо этилмоқда. Уларнинг аксарияти шу йил фойдаланишга топширилади.

Ҳозир «Президент кубоги» учун баҳслар олдидан ўтказиладиган «Буюк ипак йўли» соврини учун мусобақани ташкилий ва тадбирий жиҳатдан юксак даражада бўлишига аҳамият берилмоқда. Жумладан, бу мусобақанинг дастлабки босқичи 6—13 май кунлари Тошкент динамочилари саройида ўтказилади. 13—20 май кунлари эса теннисчилар Самарқандга ташриф буюрадилар. 20—28 май кунлари фарғоналиклар қуриб битказилаётган теннис саройларида мусобақа ўтказишни мўлжалламоқдалар. Ниҳоят ана шу уч босқич баҳсларидан кейин кучлилар ўзига хос сараланиб,Юнусобод теннис саройида «Мастерс» деб номланган баҳсларда қатнашишади. Шундан кейин «Буюк ипак йўли» соврини учун халқаро мусобақада ўзларини кўрсатган, жаҳон талабларига мос мақомларини мустаҳкамлаган теннисчилар «Президент кубоги» учун баҳсда иштирок этишга шайланадилар. Бу сафар «Президент кубоги» учун халқаро мусобақа 26 августдан 3 сентябргача давом этади.

«Президент кубоги» учун мусобақани халқаро талаблар даражасида ташкил қилиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилади. Ҳозирданоқ «Миконд» заводида биллурдан ясаладиган бош соврини тайёрлашга киришилган. Ғолибларга мўлжалланган пул мукофоти ҳам бултургидан кўпроқ бўлиши кутилмоқда. Хусусан, ҳомийлар совринларни рағбатлантириш мақсадида 4 та енгил машина ажратилишини режалаштириб қўйишган.

Бу фикрлар «Президент кубоги» учун мусобақага тайёргарлик ишларига бағишланган матбуот конференциясида айтилди. Мутахассислар ҳам қатнашган йиғилишни республика теннис федерацияси президенти, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов бошқарди ва журналистларнинг қизиқарли саволларига жавоб берди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Кичик тўп учун кураш. **Суратчи А. РИСҚИЕВ (ЎзА).**

ИЕ, ЙЎҚ-Е, ЖАҲОННИ?!

ЎЗИНИ — ЎЗИ...

САРЛАВҲАНИ ўқиб ўзини ўзи осиб қўйибдими, деган хаёлга борманг тағин. Мавзу бошқача: ўзини-ўзи операция қилганлар тўғрисида эшитганмисиз? Гап шу ҳақда. «Йўқ-е, бундай воқеа бўлмагандир», дея ишонқирамайсиз-а!.

Антрактидадаги Новолазеревск собиқ Совет станциясининг дўхтири Л.Рогозовнинг биқини бирдан оғриб қолади. Ўша паллада унга тиббий ёрдам кўрсатадиган ҳеч ким йўқ эди. Шунинг учун у ўзига ўзи ташхис қўяди, сўнг операция столини тайёрлайди, рўпарасига ойнани ўрнатиб, ўзини-ўзи операция қилишга киришади ва уни муваффақиятли уддалайди. Операция бир ярим соат давом этади.

Бундай воқеа аввал ҳам зикр этилган. Голландиялик касби темирчи бўлган Ян Дот исмли киши 1651 йили ошхона пичоғи билан қорнини кесиб, буйрагидаги 113 грамм оғирликдаги тошни олиб ташлаган.

ЁМҒИРГА ИНТИЗОР ШАҲАР

ОДАТДА юртимизни серқуёш деймиз. Америконинг Санкт-Петербург шаҳри ҳам «қуёшли шаҳар» деб юритилади. Бу ерда ёмғирли кунлар кам бўлади. Бу кунни шаҳарликлар интизорлик билан кутишади. Осмонни булут қоплаб, ёмғир томчиласа, одамларда байрам кайфияти пайдо бўлади. Ҳатто «Мустақил кечки янгиликлар» газетаси шу куни 11 мингдан ортиқ муштарийга бепул тарқатилади. Шуниси қизикки, газета 90 йилдан бери чоп этилади. Бу даврда газета атиги 312 марта текин тарқатилган. Демак, билиш мумкинки, Санкт-Петербург осмонини шунча йил ичида 312 марта булут қоплаган холос. Бу шаҳарни Қўшма Штатлардаги «Энг қуёшли» шаҳар дейилиши ҳам шундан.

Шифокор огоҳлантиради

ЯНА ҚЎЗИҚОРИН ҲАҚИДА

Собир Раҳимов туманида яшовчи Фенютина тўрт яшар қизчаси билан бирга Қорақамиш анҳори бўйидан билар-билмас қузиқорин териб, уни қовуриб ейишган. Орадан кўп ўтмай она-бола қусиб, ич кетар бўлиб оғир аҳволда шифохонамизнинг токсикология бўлимига келтирилди. Шифокорларнинг тез ёрдами туфайлигина беморлар тузалиб кетдилар. Вақолонки, аҳвол бундан ҳам оғирроқ бўлиши мумкин эди...

Баҳор ва куз ойларида ёмғирдан сўнг бодроқдай қузиқоринлар сочилиб чиқади. Унинг истеъмол қилиш мумкин бўлмаган хиллари, жумладан, мухамор (қурбақа салла) деган тури ўта заҳарли бўлиб, инсон саломатлигига таъсир этиб, ўлим ҳолатигача олиб келиши мумкин. Бу турдаги қузиқоринни еганда кўнгил айниш, қусиш, қоринда оғриқ пайдо бўлиши, кучли терлаш, кўз қорачиқларининг торайиши, қон босимининг тушиб кетиши, тиббий тилда хоменэргик синдром ҳолатлари кузатилади. Бундай пайтда беморнинг ошқозон-ичак йўлларини ювиш тавсия этилади.

Қузиқоринни ҳамма заҳарли турлари жигар фаолиятининг бузилишига, гепатит юзага келишига сабаб бўлади. Шунинг учун қузиқорин билан заҳарланган беморларга зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатилиши даркор. Биз, азиз юртдошларимиздан қузиқорин танлаш ва уни истеъмол қилишда жуда эҳтиёт бўлишларини сўраймиз.

Д. МАТЁҚУБОВА,
Тошкент шаҳридаги клиник шифохонанинг ўткир заҳарланганлар бўлими шифокори.

Бошимга савдо тушди

ОВОРА БЎЛИБ ЮРИБМАН

Умримни фанга бағишлаган зиёлиман. Қирқ беш йилки, илм йўлида елиб-югуряпман. Ёшим бир жойга бориб қолганига қарамай, докторлик диссертациямни яқинда ёзиб тугатдим. Лекин бу менга татимаётибди. Негаки, Шайхонтоҳур тумани ошхоналар трестининг ошпаз-бригадири Саид Назарбоев бизни маҳалла-кўй олдида бир пул қилиб ташлади.

У бизнинг беш хонали уйимиз кутубхонаси, ертўласи, катта айвони ва қишки, ёзги ошхоналарни бузиб ташлаб ўрнига қандолатчилик цехи қуриб юборди. Уйнинг ертўласида сақланаётган 160 шифер ва 60 дона тунукани ҳам гумдон қилди.

Онамнинг ёлғиз фарзанди эканлигимни ҳисобга олган Собир Раҳимов туман халқ суди 1988 йил 3 июнь кунги ҳал қилув қарори билан мени уйнинг вориси деб топганди. С.Назарбоевнинг бизга етказган зиёни 1988 йил ҳисоб-китоби бўйича 28 минг сўм, ҳозиргача қурилиш буюмларининг нархи бир неча марта ошганлиғини ҳисобласак бу миқдор анчага боради.

Уй 1987 йил қазо қилган раҳматли ойимиздан ёдгорлик эди. Ойимиз уни 1943 йили тоғалари Иброҳим Эргашевдан 2 бош сигир ва қўйларини сотиб пулига олганлари ва шу ерда у кишининг чироғларини ёқиб туришимни васият қилгандилар.

Мен арз-дод қилганим сайин С.Назарбоев ҳаддидан ошяпти. Бу камлик қилганидек, у ошхонадан чиққан ювиндиларни ёнма-ён жойлашган отамнинг уйи пойдеворига оқизиб, униям яроқсиз ҳолга келтириб қўйди.

Бу ҳақда Тошкент шаҳар умумий овқатланиш бош бошқармаси, «Ўзбексавдо» концерни рахбарларига ҳам мурожаат қилдим. Натижа эса йўқ. Мен илмий изланишлар қилиш ўрнига шундай ишлар билан овора бўлиб юрибман-а.

Гап Шайхонтоҳур туманидаги 5-декабрь кўчаси, 156 уй ҳақда кетганлигиниям билдириб қўяй-да энди.

Турди НАСИБОЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси тупроқшунослик институтининг илмий ходими, биология фанлари номзоди.

ЯЛЛОСИ ТУГАДИ

Жиззах шаҳрида давлат белгиси бўлмаган «Ява» русумли мотоцикл ҳайдовчиси эркатойлардек талтайиб, у ёқдан-бу ёққа ғизиллаб ўтиб юраркан, ички ишлар ходимлари унинг ҳужжатларини текшириб кўриш ва бироз тартибга чақириб қўйиш учун тўхтатишди. Бу «жаноб» 23 вшли А. Граф эканлиги маълум бўлди.

Ажабки, йўл қоидасини бузгани етмагандек, ёнида 6,5 кило гиёҳванд моддаси — кўкнорини ҳам олиб юрганини аниқлаган милиция ходимлари унинг сафарига шу ернинг ўзида нуқта қўйишди. Шу билан қозогистонлик «меҳмон»нинг яллоси тугади.

ҚОТИЛ ТОПИЛДИ

Ғиждувон тумани Зафаробод қўрғонида яшовчи 5-маъдан қазиб чиқариш бошқармаси ҳисобчисининг жасади топилди. Тезкорлик билан кўрилган чора-тадбирлардан сўнг унинг қотили маълум бўлди. 1962 йилда туғилган С. М. исмли зўравон жабрланувчини жанжал туфайли тепкилаб ўлдирганлигини тан олди. Қолган гапларни эса прокуратурада гаплашиладиган бўлинди.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ТЕКИН САЙР ТАТИМАДИ

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманида кеч соат тўққиз яримларда А. С. бошқарувидаги таксида кетаётган уч номаълум шахс Қорақамиш 2/4 мавзесидаги 25 втоҳона олдида ҳайдовчининг бўйнига сиртмоқ солишди. Бу ҳам етмагандек уни пичоқ билан қўрқитиб орқа ўриндиқка ўтказиб қўйдилар.

Машина рулини ноиложликдан босқинчиларга топшириб қўйган ҳайдовчи кўзи боғланган ҳолда кўп жойларни айланиб чиқади. Сайрдан чарчаган босқинчи йўловчилар Ибн Сино мавзеси яқинидаги йўлда ҳайдовчи ва машинани қолдириб ўзлари кетадилар. Ички ишлар ходимлари томонидан кўрилган тезкор чора-тадбирлардан сўнг жиноятчиларнинг иккитаси ушланди. Сайрда маза қилиб айланган бу опа-ука ҳадемай учинчи шериги билан топишишса ажабмас.

«ОҚ ФОТИҲА» БЕРГАН ЭДИ

Навоий вилоятида бундан ўн беш кун бурун «Зарафшон — Конимех» йўлида 12.200 килограмм иккиламчи мис металлини қалбаки ҳужжатлар билан олиб кетаётганида қўлга тушган уч жиноятчининг яна учта шериги топилди. Олтовлоннинг ўзаро жиноий тил бириктириб қилган бу ишига қалбаки ҳужжатлар тўғрилаб берган Навоий шаҳридаги «Ўзэлектроремонт» заводи директорининг ўринбосари ҳам илиниб турибди. Жами мусодара қилинган металлнинг олиб чиқиб кетилиши учун уч етти минг сўм пора олган «катта»нинг сири ҳам аниқланмоқда.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 1

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.15 «Ислоҳот одимлари».
18.40 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўгитлари».
19.15 «Футбол шарҳи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Баҳор гулдастаси». М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» Давлат рақс ансамблининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. «Муъжизалар шу ерда туғилади».
22.00 «Ҳужжатли аҳмоқ». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли. Телепремьера.
00.20 — 00.45 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент»
студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Тафсилот».
19.15 «Саломатлик — туман бойлиги».
19.45 «Само остидаги юлдузлар».
20.15 — 21.35 «Бефайз якшанба». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
*
18.55 «Бозор иқтисоди сабоқлари».

«ОМАД» таништиради:

19.25 «Совға».
19.55 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.15 «Панорама».
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 «Эй-Би-Си» янгиликлари.
21.55 Эълонлар.
22.00 Видео — «О».
23.40 Эълонлар.
23.45 «Курьер».
00.05 «...яна об-ҳаво ҳақида».
00.15 — 00.25 «Постфактум».

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «КВН-95».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 Анжела Лансбери ва Умар Шарифлар «Миссис Айрис Парижга йўл олади» лирик комедиясида (Англия, 1992 й.).
22.20 — 23.20 «Алла Пугачева. Турли даврлар қўшиқлари».

СЕШАНБА, 2

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телефестивали.
9.15 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
9.40 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. Эмин Усмон. «Сукунат».
10.00 Немис тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 «Кафолат».
11.30 — 13.30 «Умидлар йили». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
18.40 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-шоу».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Бевосита мулоқот.
22.15 Юлдуз Абдуллаева куйлайди.
22.45 «Қизил олма». Бадиий фильм.
00.05 — 00.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

18.30 «Мультфейерверк».
18.55 «Табиат дунёси».
19.45 Янгиликлар.
19.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 Видеогид.
20.55 «Теле-ателье-шоу».
21.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.45 — 23.25 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель.
18.55 «Уорлднет» телекомпанияси янгиликлари.
19.15 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.15 «Уммондан томчи».
20.50 «Чинсэн».
21.30 «Мусиқий саёҳат». Франция.
22.00 «Спорт-тайм».
22.30 — 22.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 — 8.00 «Телетонг».
***
18.05 Луи де Фюнес «Жандарм Нью-Йоркда» кинокомедиясида (Франция — Италия, 1966 й.).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 — 22.05 «Бу дунё зўравонлари». Морис Дрюоннинг романи асосида телесериал. 1-серия (Франция).

ЧОРШАНБА, 3

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телефестивали.
9.05 Алифбо сабоқлари.
9.35 «Ёшлик» студияси. «Оқар дарёлар».
10.15 Тошкент вилояти, Оққўрғон район Маданият уйи қошидаги «Наврузи аҳмад» халқ ансамблининг концерти.
10.40 «Компьютер-шоу» (такрор.).
11.15 — 13.15 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.35 «Мардлик — мангулик!» телетанловига. Баҳодир Собит. «Битмас жароҳат».
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.55 Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ашула ва рақс ансамблининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Кеча ва бугун».
22.00 «Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиғи». Бадиий фильм.
23.35 — 24.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент»
студияси таништиради:

18.30 Болалар учун фильм. «Доктор Айболит».
19.30 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Ёдингдами, дўстим...».
19.45 «Тошкент оқшомида».
20.45 «02» тўлқинида.
21.10 — 22.50 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 — 21.55 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 8.00 «Телетонг».
***
17.55 «Тиғиз пайт».
18.15 «Аляска Кид». Телесериал. 7-серия — «Рулетка қироли».
19.05 «Қўшиқ-95».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 «Енгилмаслар».
20.00 «Время».
20.40 «Енгилмаслар».
20.45 — 22.10 «Бу дунё зўравонлари». Телесериал. 2-серия.

ПАЙШАНБА, 4

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телефестивали.
9.05 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Фахрийлар — фахримиз».
9.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Қуролу қалам билан». Тўғон Эрназароов.
11.40 «Бола бошидан...»
12.20 — 13.00 Ўзбек куйларидан концерт.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Ишбилармон».
18.50 «Ўзбекистон — ғалаба яловбардори».
19.10 «Осойишталик посбонлари». Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. Баҳодир Абдуллаев. «Тақдир». Теленовелла.
20.20 «Юзма-юз».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Ишонч». Видеофильм.
22.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан.
22.30 «Тинчлик истар одамлар». Мусиқий кўрсатув.
23.10 — 23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кунгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Ишингиз бароридан келсин!»
19.20 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.40 «Теле-ателье-шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 Янгиликлар.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.45 — 23.05 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»)

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Кашф этилаётган имкониятлар».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Шалом!».
20.30 «Умид» (уйғур тилида).
21.10 — 22.10 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 8.00 «Телетонг».
***
17.55 «Тиғиз пайт».
18.15 «Аляска Кид» Телесериал. 8-серия — «Елланган қотиллар».
19.05 «Эслашлари учун...». А. Глазирин. Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 «Енгилмаслар».
20.00 «Время».
20.40 «Москва, Кремль».
21.00 «Енгилмаслар».
21.05 — 22.30 «Бу дунё зўравонлари». Телесериал. 3-серия.

ЖУМА, 5

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телефестивали.
9.10 Немис тили.
9.40 «Сизга таъзим».
10.10 «Таълим ва ислоҳот».
10.40 «Болалар меҳмонхонаси».
11.10 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Зўр карвон йўлида». Адабий кўрсатув.
11.35 Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси ўқитувчи ва талабаларининг концерти.
12.15 — 13.35 ЎзТВ хазинасидан. «Бозор кўрмаган йигит». Телеспектакль.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.45 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. Анвар Эшонов. «Узилган киприклар». Адабий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида.
23.00 Ҳамид Гулом, Қаҳрамон Комилов. «Ўзбекистон қўшиғи» ораторияси. Телепремьера.
23.25 — 23.50 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Билиб қўйган яхши».
18.55 «Ҳуқуқ ҳимоячилари».
19.30 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Бизнес-академия».
20.55 — 22.25 «Ўғирлик». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
*
18.55 «Ташрифлар ва таклифлар».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
*
«ОМАД» таништиради:

20.15 «Компьютер — Осиё».
20.45 «Автоклуб».
21.20 Эълонлар.
21.25 — 23.05 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 8.00 «Телетонг».
***
17.50 «Бомонд».
18.10 «Аляска Кид». Телесериал. 9-серия — «Аср кураши».
19.00 «Муъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!.
19.55 «Енгилмаслар».
20.00 «Время».
20.40 «Енгилмаслар».
20.45 — 22.10 «Бу дунё зўравонлари». Телесериал. 4-серия.

ШАНБА, 6

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телефестивали.
9.15 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
10.10 Самбо бўйича Ўзбекистон чемпионати.
10.35 «Мусиқа жавони» саҳифаларида.
11.10 «Мардлик — мангулик!» телетанловига. Фарида Усмонова. «Она бағри». Телеспектакль. 1-қисм.
12.00 «Ҳужжатли экран».
12.40 — 14.00 «Заҳарли томчилар». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
***
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. Нилуфар. «Соғиндим». Адабий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.05 «Мозийга бир назар».
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида.
22.15 «Олтин мерос». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор Матниёз Юсупов.
23.25 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.35 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк».
9.25 «Табиат дунёси».
10.15 Янгиликлар.
10.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 Видеогид.
11.25 «Теле-ателье-шоу».
11.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.25 «Кинонигоҳ».
13.55 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
*
«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Уй ҳайвонлари».
18.50 Болалар учун. «Табассум».
19.30 «Кинотриада».
20.30 «Бумеранг».
21.00 «Эстрада жилолари».
21.20 «Ноу-Хау плюс».
22.05 — 23.45 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Солдат қўшиқлари ва тақдирлари».
11.00 «Қиймат ва қиммат».
11.35 «Нон тъми».
11.55 — 12.55 «Кўнгил орзулари фидо ушанга». Ўзбекистон халқ артисти Ибрагим Юсупов.
***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.20 «Колумб кашф этган диёр».
20.10 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.10 «Бу ажиб дунё».
21.30 «Менинг шаҳрим».
22.10 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «Динамо» (Самарқанд).
23.10 — 23.20 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 «Бехуда отилган ўқ». Мелодрама (Аргентина).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 «Енгилмаслар».
20.00 «Время».
20.40 «Енгилмаслар».
20.45 — 21.45 «Виктория». Солдат қўшиқлари фестивали.

ЯКШАНБА, 7

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телефестивали.
9.15 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». Кўрсатув ва концерт.
11.00 «Мардлик — мангулик!» телетанловига. Фарида Усмонова. «Она бағри». Телеспектакль. 2-қисм.
11.50 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Азиз Ватан — барчамизники!»
12.30 — 14.00 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
18.35 «Мультипанорама».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Тимсол» видеоканали.
23.05 — 23.35 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кунгил».
10.10 «Жозиба».
10.30 «Бир шингил ҳангома».
10.40 «Ишингиз бароридан келсин!»
10.50 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.10 «Теле-ателье-шоу».
11.20 Видео янгиликлари.
11.45 Янгиликлар.
11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 «Кинонигоҳ».
14.15 — 14.35 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
***
17.00 «Совға».
17.30 «Даракчи».
17.55 «Жаҳон географияси».
18.45 «Панорама».
19.15 Эълонлар.
19.20 Видео — «О».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Курьер».
21.25 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.35 «Постфактум».
21.45 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
22.05 Эълонлар.
22.10 «Салом, ёшлар!»
22.55 Эълонлар.
23.00 — 00.40 «Видео — «О».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Аэробика.
9.15 «Коллекция».
9.35 «Жонли сайёра».
9.55 Мультфильм.
10.35 «Акмалнинг янги саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус тилида).
11.40 «Менинг кўчам».
11.55 «Кинематограф».
13.35 — 13.45 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
*
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
***
18.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.05 Ғалабанинг 50 йиллигига. «Аскар мактублари».
19.35 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
20.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
20.15 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.15 «Бу ажиб дунё».
21.35 — 21.45 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Юзма-юз».
18.25 «Енгилмаслар».
18.30 «Эҳ, йўллар, фронт йўллари...»
18.35 «Бориб ўз кўзинг билан кўр». Бадиий фильм. 1 — 2-серия лар («Мосфильм» ва «Беларусьфильм», 1985 й.).
20.55 «Енгилмаслар».
21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
21.45 — 23.00 Радио кунига бағишланган концерт.

Яккасарой туманининг «Энерготех ЛТД» масъулияти чекланган жамияти

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти раҳбарияти, жамоат ташкилотлари «Пахтани дастлабки ишлаш» кафедраси доценти М. Т. Ҳожиева падари бузруквори

ТОЖИБОЙ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6